

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAХKAMASINING
ҚАРОРИ**249** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида» 2015 йил 4 ноябрдаги 267–III-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида» 2015 йил 4 декабрдаги СҚ–73–III-сон қарорлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этиш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Республика комиссияси (А.И. Икрамов):

икки ой муддатда — Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ барча зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилишини;

чегаралар ўзгариши муносабати билан икки ҳафта муддатда, Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда — ўзгартирилаётган чегаралар доирасидаги ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманларидаги тегишли тузилмаларга белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш бўйича ташкилий масалалар ҳал этилишини;

икки ҳафта муддатда — Наманган вилояти ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2016 йилда Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари бюджетининг ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогноз параметрларининг аниқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси Наман-

ган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегаралари ўзгариши муносабати билан давлат ер кадастри маълумотларига зарур ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари чегаралари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда статистика кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов ҳамда Наманган вилояти ҳокими Х.Х. Бозаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 31 май,
179-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 31 майдаги 179-сон қарорига
ИЛОВА

**Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Наманган, Уйчи,
Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманлари
чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ ташкилий-техник
масалаларни ҳал этиш бўйича Республика комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Икрамов А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси
2. Бозаров Х. — Наманган вилояти ҳокими
3. Алимов А. — Соғлиқни сақлаш вазири
4. Тўраев Б. — Давлат статистика қўмитаси раиси
5. Арабов С. — «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси
6. Кудбиев Ш. — Вазирлар Маҳкамаси Макроиктисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш ЙАТД мудирининг ўринбосари
7. Низомов Б. — Меҳнат вазирининг ўринбосари
8. Усмонов А. — Адлия вазирининг ўринбосари
9. Хўжаев Б. — Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари
10. Мирзаев М. — Молия вазирининг ўринбосари

249, 251-моддалар

— 12 —

22 (730)-сон

11. Гаффаров С. — Давлат рақобат қўмитаси раисининг биринчи ўрин-
босари
12. Махкамов И. — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори
13. Бекходжаев Б. — Наманган шаҳри ҳокими
14. Абдураззаков Ш. — Наманган тумани ҳокими
15. Исомиддинов М. — Уйчи тумани ҳокими
16. Каимов Н. — Тўрақўрғон тумани ҳокими
17. Рапиков Т. — Янгиқўрғон тумани ҳокими
18. Абдулкаримов А. — Косонсой тумани ҳокими
19. Хайдаров О. — Чортоқ тумани ҳокими
20. Мамадалиев О. — Наманган вилояти ҳокимлигининг ҳудудларни комп-
лекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи,
комиссия котиби.